



MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI  
LIMITED LIABILITY COMPANY  
www.audires.com

**Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

«Кукон Суперфосфат заводи»АЖ  
Масъулияти чекланган жамият шаклидаги МЧЖ «AUDIRES» АТ» аудиторлик ташкилоти (Кукон шаҳар Когозгарлик 2а- уй АТБ «Капиталбанк» Кукон булими".Х/р. 20 208 000 204 353 076 001,МФО: 01087, ИНН 205224700, Оқонх 84400,400 73-57 556-58-31

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 10.03.2008 йилда берилган № 00618-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 10.05.2009 йилда № 268 –рестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) аудитор Уматов В.В. томонидан (Аудитор малака сертификати № 05506 15.06.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект «Кукон Суперфосфат заводи»АЖ томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг "Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий патикалар Ф-2, шаклларида иборат 2017 йил 01 январидан 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини ихтиерий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.Мен «Кукон Суперфосфат заводи»АЖ томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувни режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш менинг мулоҳазамнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

**Ижобий фикр**

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект «Кукон Суперфосфат заводи»АЖ нинг 2017 йил 01 январидан 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний аке эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«AUDIRES» аудиторлик ташкилоти раҳбари



Уматов В.В.

Хулоса тузилган сана 06 апрель 2018 йил.